**Ўзбекистон Республикаси**
**Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги**

**ПРЕСС-РЕЛИЗ**

**“Малакали мутахассислар – соҳа истиқболи таянчи” мавзусида**
# МАТБУОТ КОНФЕРЕНЦИЯСИ

**16 декабрь 2016 йил**

***Матбуот конференциясининг мақсади.*** Мамлакатимиз аграр соҳаси тармоқлари учун вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларида замон талабларига жавоб бера оладиган малакали мутахассислар тайёрлаш, уларни қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш борасида амалга оширилаётган ишларни кенг жамоатчиликка етказишдан иборат.

Матбуот конференцияси Вазирлар Маҳкамасининг 2016 йил 28 июлдаги №07/31-13-сонли хати билан ***“Мамлакатимиз ҳаётидаги муҳим аҳамиятга молик масалалар бўйича ўтказиладиган матбуот анжуманларининг ягона режаси”га*** мувофиқ ташкил этилиб, оммавий ахборот воситалари ходимлари, вазирликнинг раҳбар ва мутахассислари, тизимдаги олий таълим муассасалар профессор-ўқитувчилари, талабалар таклиф қилинган. Матбуот анжуманини Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирининг ўринбосари, Ўзбекистон Қишлоқ хўжалиги илмий-илаб чиқариш маркази бош директори, Тошкент давлат аграр университети ректори, профессор Б.Сулаймонов кириш сўзи билан очди.

Кун тартибидаги масала юзасидан Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигининг Ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи Ш.Жониқулов ахборот берди.

## *Айрим далиллар ва рақамлар:*

Мамлакатимиз иқтисодиётинининг етакчи тармоқларидан бири – аграр соҳани барқарор ривожлантириш халқимиз турмуши фаровонлигини таъминлашда муҳим ўрин тутади. Мустақиллик йилларида Биринчи Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида қишлоқ ва сув хўжалигини ривожлантириш борасида амалга оширилган кенг кўламли ислоҳотлар самараси ўлароқ бугунги кунда эътиборга молик натижаларга эришилмоқда. Бунда соҳа тармоқлари учун вазирлик тизимидаги олий таълим муассасаларида жаҳон андозалари талабига жавоб бера оладиган, миллий ва замонавий анъаналарни мужассамлаштирган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури асосида кадрлар тайёрлашга алоҳида эътибор берилаётганлиги муҳим омил бўлмоқда.

Бугунги кунда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги тасарруфидаги Тошкент давлат аграр университети, унинг Нукус филиали, Тошкент ирригация ва мелиорация институти, унинг Бухоро филиали, Самарқанд ҳамда Андижон қишлоқ хўжалик институтларида ёшларга бугунги замон талаблари асосида чуқур билим бериш, маънавий ва ахлоқий савиясини юксалтириш, уларни ҳар томонлама етук ва малакали кадрлар бўлиб етишишларини таъминлашга жиддий эътибор берилмоқда.

Ҳозирда мазкур таълим муасссасаларида мамлакатимиз аграр тармоқларига 37 та бакалавриат таълим йўналишлари ва 43 та магистратура мутахассисликлари бўйича мутахассислар тайёрланмоқда. Мазкур олий таълим му-ассасаларида таҳсил олаётган қарийб 24095 нафар талабаларга, жумладан 23582 нафар бакалаврлар, 513 нафар

магистрларга 1736 нафар профессор-ўқитувчилар, жумладан, 105 нафар фан докторлари, 614 нафар фан номзодлари, доцентлар ва ўқитувчилар сабоқ бермоқда.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2015 йил 3 ноябрдаги "Қишлоқ ва сув хўжалиги тармоқларини олий маълумотли юқори малакали кадрлар билан таъминлашни янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида"ги қарорига асосан тизимдаги олий таълим муассасаларининг таркибий тузилмалари такомиллаштирилди. Уларда бугунги кун талабига мос равишда факультет ва кафедраларнинг номланишлари ўзгартирилди, 4 та факультет ва 10 та кафедра ташкил этилди.

Олий таълим муассасаларини давлат грантлари асосида битирувчиларга ишга йўлланма бериш ва тақсимлаш мақсадида ҳар йили «Битирувчи» ярмаркалари ўтказилмоқда. Унда Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги ва унинг тасарруфидаги ташкилотлар, вилоятлар Қишлоқ ва сув хўжалиги бошқармаларининг эҳтиёжидан келиб чиқиб, меҳнат шартномалари имзоланмоқда.

Тизимдаги олий таълим муассасаларида талабаларнинг ўқишларга етарлича қулай шароит яратиш, ўқув ва лаборатория жиҳозларини янгилаш, талабалар турар жойларини мукаммал таъмирлаш борасидаги ишлар Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2011 йил 20 майда қабул қилинган «Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш ва юқори малакали мутахассислар тайёрлаш сифатини тубдан яхшилаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори асосида изчил амалга оширилмоқда.

Мазкур қарорга мувофиқ тасдиқланган Дастур доирасида Тошкент давлат аграр университети, Тошкент ирригация ва мелиорация институтида Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ҳузуридаги Олий таълим муассасаларининг моддий-техника базасини ривожлантириш жамғармаси ҳамда ҳомийларнинг маблағлари ҳисобидан ўқув-маъмурий бинолар, ахборот-ресурс марказлари, спорт заллари ва бошқа объектлар қурилди, реконструкция қилинди ва мукаммал таъмирдан чиқарилди. Шу билан биргаликда, ўқув аудиториялари, лабораториялар замонавий ўқув жиҳозлари, компьютер, ахборот-коммуникация техникалари, мебеллар билан таъминланди. Ахборот-ресурс марказларида замонавий ахборот-коммуникация технологияларини жорий қилиш орқали профессор-ўқитувчилар ва талабаларга ахборот-кутубхона хизматини кўрсатиш, уларнинг интеллектуал салоҳиятини, билимини, маънавий-маърифий эҳтиёжларини тўлиқ қондириш учун қулай шарт-шароитлар яратилган. Лабораториялар энг замонавий ускуналар билан таъминланган. Буларнинг барчаси таълим тизимини тубдан такомиллаштириш, жаҳон андозалари мезонларига жавоб берадиган таълим тизимларини жорий этишга, профессор-ўқитувчилар захирасини мустаҳкамлашга, пировардида соҳа учун замонавий фикрлайдиган, етук мутахассис кадрлар тайёрлашга хизмат қилмоқда.

***Қўшимча маълумотлар учун:***

Ўқув юртлари ва малака ошириш бўлими бошлиғи Ш.Жониқулов тел.: 241-33-42
Ахборот-таҳлил ва Матбуот хизмати Матбуот котиби: О.Норбеков. тел: 239-17-81

**Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги Ахборот хизмати**
**www.agro.uz e-mail:info@agro.uz tel: 239 16 41**

**Министерство сельского и водногохозяйства**
**Республики Узбекистан**

# ПРЕСС-РЕЛИЗ

## Пресс-конференция на тему: «Квалифицированные кадры – перспективная основа сферы»

**16 декабря 2016 года**

***Цель Пресс-конференции*** – доведение до широкой общественности результатов проводимых работ по подготовке в подведомственных министерству высших образовательных учреждениях специалистов для аграрных отраслей экономики страны, их переподготовке и повышению квалификации в соответствии с современными требованиям.

На Пресс-конференцию, организованную согласно утвержденного поручением Кабинетом Министров Республики Узбекистан от 28 июля 2016 года №07/31-13 «Единого плана проведения Пресс-конференций по актуальным вопросам развития страны», приглашены работники средств массовой информации, руководители и специалисты министерства, профессорско-преподавательский состав высших образовательных учреждений министерства, студенты. Пресс-конференцию открыл заместитель министра сельского и водного хозяйства Республики Узбекистан, Генеральный директор Узбекского научно-производственного центра сельского хозяйства, ректор Ташкентского государственного аграрного университета, профессор Б.Сулаймонов.

По вопросу повестки дня выступит начальник отдела учебных заведений и повышения квалификации Министерства сельского и водного хозяйства Ш.Жоникулов.

### *Некоторые факты и цифры.*

Большое значение в повышении благосостояния народа занимает стабильное развитие сельского и водного хозяйства - одной из ведущей сфер экономики страны. В настоящее время, в результате проведения реформ, осуществленных в годы независимости и под руководством Первого Президента нашей страны Ислама Каримова, достигнуты впечатляющие результаты по развитию отраслей сельского и водного хозяйства. Важным фактором этих достижений стало особое внимание, которое было уделено подготовке высшими образовательными учреждениями министерства специалистов для аграрной сферы на основе Национальной программы по подготовке кадров.

Подведомственные Министерству сельского и водного хозяйства высшие образовательные учреждения - Ташкентский государственный аграрный университет и его Нукусский филиал, Ташкентский институт ирригации и мелиорации и его Бухарский филиал, Самаркандский и Андижанский сельскохозяйственный институты серьезное внимание уделяют предоставлению молодежи глубоких, отвечающих современным требованиям знаний, повышению их духовного и этического уровня.

В настоящее время в перечисленных образовательных учреждениях осуществляется подготовка кадров для отраслей сельского и водного хозяйства страны по 37 направлениям образования и 43 специальностям магистратуры. В данных высших образовательных учреждениях получают необходимые знания и профессиональные навыки 24095 студентов, из которых 23582 бакалавров и 513 магистрантов. Для их обучения привлечены 1736 профессоров и преподавателей, из которых 105 докторов наук, 614 кандидатов наук.

Необходимо подчеркнуть, что в соответствии с постановлением Кабинета Министров Республики Узбекистан от 3 ноября 2016 года №311 "О мерах по дальнейшему совершенствованию обеспечения отраслей сельского и водного хозяйства высококалифицированными кадрами с высшим образованием" обновлены структуры высших образовательных учрежений. При этом в соответствии с требованиями сегодняшнего дня перенаименованы факультеты и кафедры, организованы 4 новых факультета и 10 специализированных кафедр.

Ежегодно, высшими образовательными учреждениями в целях распределения и трудоустройства выпускников, обучающихся на грантовой основе, проводятся ярмарки «Битирувчи», на которых исходя из потребностей Министерства сельского и водного хозяйства, областных управлений, предприятий и организаций, входящих в состав министерства, оформляются трудовые договора с выпускниками.

Также, отделы маркетинга и приемные комиссии учебных заведений в сотрудничестве с предприятиями и организациями на местах формируют портфели заказов по приему абитуриентов на обучение в бакалавриат и магистратуру на платно-контрактой основе.

Высшими образовательными учреждениями в целях повышения качества обучения студентов и в соответствии с постановлением Президента РеспубликиУзбекистан от 20 мая 2011 года «О мерах по укреплению материально-технической базы высших образовательных учреждений и коренному улучшению качества подготовки высококвалифицированных специалистов» проводится целенаправленная работа по обновлению учебного и лабораторного оборудования, реконструкции и ремонту мест проживания студентов.

В соответствии с данным постановлением в рамках утвержденной Программы Ташкентским государственным аграрным университетом и Ташкентским институтом ирригации и мелиорации за счет счет Фонда развития материально-технической базы высших образовательных учреждений при Министерстве финансов и средств спонсоров проведены широкомасштабные ремонтно-строительные работы, работы по благоустойству территорий.